

Тошкент давлат аграр университети ҳудудида қурилиш монтаж ишларининг
бажарилган иш ҳажмини аниқлаш учун назорат ўлчови ўтказиш бўйича
ТЕХНИК ШАРТ – 2

1. Тошкент давлат аграр университети балансидаги бинолари ва университет қошидаги Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Ахмад Яссавий массивида жойлашган “Ўза уруғчилиги маркази” биноларида амалга оширилган барча капитал таъмирлаш ҳамда қурилиш монтаж ишларининг бажарилган иш ҳажмини аниқлаш мақсадида назорат ўлчови ўтказиш хизматлари учун эълон қилади.

2. Танловда иштирок этиш учун мустақил назорат ўлчов ўтказувчи ташкилотлар куйидаги мезонларга жавоб бериши лозим:

- Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
- Шаҳарсозлик фаолиятини юритиш ҳуқуқини берувчи лицензия нусхаси;
- Ташкилот устави барча ўзгартириш ва қўшимчалар билан;
- Назорат ўлчови ўтказиш соҳасида охириги уч йил ичида бажарилган ишлар рўйхати;
- Ташкилот ходимларининг сони, малакаси, иш стажи тўғрисида маълумотлар;
- Ишларни (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш базаси мавжудлиги;
- Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарзи йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома;
- Виждонсиз ижрочиларнинг ягона реестрида улар ҳақида ҳеч қандай қайд йўқлигига кафолат;
- Ташкилот банкротлик ҳолатида, ликвидация ёки қайта ташкил этиш жараёнида, ҳамда судда ёки ҳакамлик судида тортишув босқичида эмаслиги ҳақида кафолат.


3. Ташкилот экспертларига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 68-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади, улар хулоса беришдан бўйин товлаганликлари ва била туриб ёлғон хулоса берган тақдирларида, ЖКнинг 238, 240-моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилишлари огоҳлантирилади. Экспертлар иш жараёнида, шунингдек, ишни тугатгандан сўнг, зарурат бўлганда тергов ва суд жараёнларида иштирок этишлари шарт.


Бош ҳисобчи

Техник-фойдаланиш ва
хўжалик бўлими бошлиғи


Бош инженер

Юридик бўлим бошлиғи


А.Ботиров


Ф.Бабаджанов


С.Усманов


Б.Хусенов